



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июль куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар мустақам стратегик шерикликка асосланган бўлиб, ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча йўналишлари бўйича изчил ривожланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон мазкур учрашувни ўзаро манфаатли кенг қўлмали масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бераётган доимий сиёсий мулоқотларнинг давоми, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Россия Президентларининг 10 июль куни Уфа шаҳрида бўлиб ўтган музокаралари ўзаро муносабатлар ривожига муҳим воқеа бўлгани қайд этилди. Олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигидан икки мамлакат ҳам бирдай манфаатдор. Иқтисодий ва инвестициявий алоқалари кенгайтириш, шубҳасиз, кўпқиррали ўзаро мулоқотни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади. Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо шерикларидан биридир.

Суҳбат чоғида долзарб халқаро муаммолар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Уфа шаҳрида ўтган саммити якунларини юксак баҳолайди. ШХТга навбатдаги муддатга раислик қиладиган Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо барча давлатлар манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ҳамкорлиқни изчил ривожлантиради ва мустақамлайди.

Сергей Лавров Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга самимий қабул ва ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари ҳамда минтақавий муаммоларни атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

«ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҚАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Хоразм вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Урганч шаҳрида соғлиқни сақлаш соҳасига оид ислохотларнинг хотин-қизлар саломатлигини мустақамлашдаги аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ўтказди. Тадбирда сўзга чиққанлар фақат маърузалар билан чекланиб қолишмади. Фикр-мулоҳазалар асосида билдирилган таклифлар семинарининг қизиқарли ўтишини таъминлади.

Дастлаб вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қудрат Жуманиёзов сўзга чиқди. У вилоятда аҳоли, хусусан, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, оналик ва болаликни ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди. — Ҳозир вилоятимизда халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари, уларнинг шаҳар ва туман бўлиmlари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат ягона тизим шакллантирилди, — деди у. — Одамлар саломатлигини муҳофаза

қилиш тизимининг қуйи бўғини бўлиш 164 кишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатмоқда. Улар замонавий тиббиёт ускуналари ва малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланди. Она ва бола перинатал ва скрининг маркази иш бошлади. Ўтган даврда 150 нафар тиббиёт ходими хорижда малака ошириб қайтди. Бу сазй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, вилоятда туғиш билан боғлиқ оналар ўлими 2,3 мартага, чақалоқлар ўлими эса 2,5 мартага камайди.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини ислох қилиш, янада демократлаштириш жараёнлари тобора чуқурлашиб бормоқда. Кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш мақсадида вакиллик ҳокимияти — парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳуқуқ ва ваколатлари тобора мустақамланмоқда. Юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларида таклифлар бериш, ташаббуслар билан чиқиш, аини пайтда ўз позициясини қатъий туриб ҳимоя қилиш бўйича янги-янги имкониятлар очилмоқда.



ПАРТИЯМИЗНИНГ НУФУЗИ, ТАЪСИР КУЧИНИ ОШИРИШ,

сайловчилар ишончини оқлаш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг Сайловолди дастури ҳамда 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурининг жорий йил биринчи ярмидаги ижроси, шунингдек, партия таш-

килотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдида турган долзарб вазифалар атрофида муҳокама этилди.

Йиғилишни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон КЕТМОНОВ кириш сўзи билан очди.

Партия етакчиси мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларнинг ҳаётий самаралари ўлароқ, халқимиз турмуш фаровонлиги ортаётгани, аини вақтда жамиятда янгилаш, демократик онг ва тафаккур юксалиб бораётганини қайд этди. Бундай жараёнда сиёсий партия-

га, унинг депутатлик бирлашмаларига талаб янада кучаяди.

Демак, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дас-турларини ҳаётга татбиқ этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатлари йўлида амалий ташаббуслар-

ни кўпайтириш, жойларда электорат вакиллари йўлантираётган муаммоларни ҳал қилиш каби долзарб масалаларда парламент ва депутатлик назорати институтлари имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур, деди партия етакчиси.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон ХДП банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини корхона-ларда муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

СЎЗ — ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ —

давлат бюджети ижросида шаффофликни таъминловчи муҳим механизм

Фарҳод УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:



— Парламент назорати конституциявий, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Парламент назорати жамият ҳаётининг турли жабҳаларида олиб борилиши мумкин. Молиявий соҳа бундан мустақно эмас.

Одатда парламент назорати

ти келгуси йил бюджетини тасдиқлаш, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш, парламент ва депутат сўровларини ҳуқуқат ёки унинг аъзоларига юбориш каби кўринишларда амалга оширилади.

Ривожланган давлатлар ҳуқуқий амалиётдан маълумки, парламент назоратининг

самарадорлиги мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларга ижобий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, давлат бюджети устидан назорат қанча кучли бўлса, давлатнинг бошқарув салоҳияти ҳам шунча юқори бўлиши дунё таъриба-сида исботланган. Чунки давлат бюджетининг назорати иқтисодий ва ижтимоий дастурлар ижросида, аиниқса, ижро ҳокимияти органлари, шу жумладан, жойлардаги маъмурий тузилмалар, алоҳида тармоқларда фаолият кўрсатувчи ва давлат ресурсларидан фойдаланувчи ҳўжалик субъектларининг иштирокини ҳолисона баҳолаш имконини беради.

2 ►

МАҲАЛЛИЙ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИДА

«Маҳалла — аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази»

Мазкур лойиҳа доирасидаги навбатдаги тадбир Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Яққасарой туманида бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган депутатлар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка қўмаклашиш маркази туман бўлими мутахассислари аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Учрашувда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг моҳияти ҳақида сўз борди. Ёши улуғ инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя тизимини янада жонлантириш масаласида фикр алмашилди.

Худди шундай тадбирлар Сергели ва Чилонзор туманларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда маҳалла аҳлини ўйланти-

раётган баъзи масалалар муҳокама этилди. Сўзга чиққанлар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд хамюртларимизга яратилган имтиёзлар, уларга қаратилаётган ғамхўрлик натижалари ҳусусида тўхталишди. Тадбирлар якунида 13 нафар фуқарога партия-мизга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Сабина НОРЧАЕВА

Ўзбек
автомобил-
созлиги:
кеча ва
бугун



Болалар
оромгоҳлари
сони
кўпайди
ва шароитлари
янада



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2015»

янги иқтидорларни, бўлғуси сиёсатчи, депутат ва етакчиларни кашф этмоқда



Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши: таъриба, таҳлил, мулоҳаза

ПАРТИЯМИЗНИНГ НУФУЗИ, ТАЪСИР КУЧИНИ ОШИРИШ,

сайловчилар ишончини оқлаш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади

Сайловолди дастурига мувофиқ тарзда аҳоли фаровонлиги, реал даромадлари узлуксиз ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, уй меҳнати ва касана-чиликни ривожлантириш, ижтимоий муҳтож қатлам ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш масалалари Ўзбекистон ХДП фаолиятида устувор аҳамият касб этмоқда.

Ҳозир Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 27 нафар депутатдан иборат партия фракцияси фаолият юритмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, Вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига 214 нафар, туман ва шаҳар Кенгашига эса 1659 нафар депутат Ўзбекистон ХДПдан сайланган. Бу маҳаллий ҳокимият вакилилик идораларидаги жами депутатларнинг 32,1 фоизини ташкил қилади.

Йиғилишда Сайловолди ва амалий Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш, электротар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича депутатлар ташаббускорлиги масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, депутатлик назорати ва депутат сўрови институтидан самарали фойдаланиш механизмлари, бу борада тўпланган тажриба, хато ва камчиликлар таҳлил этилди. Мазкур йўналишдаги долзарб вазифалар юзасидан тақлиф, тавсиялар билдирилди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг дастлабки олти ойида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидаги партия гуруҳлари аъзолари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида 900 га яқин депутатлик сўрови юборилган. Партия гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари сессияларида 6 марта мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилиб, электротар манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинишига эришилган.

Шунингдек, депутатлар томонидан 258 та иқтисодий, 245 та ижтимоий, 213 та уй-жой ва коммунал, 176 та соғлиқни сақлаш, яна 45 та бошқа соҳалар бўйича депутатлик сўровлари мутасаддиларга юборилган. Улар асосида партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилган.

Умумий ҳисобда жорий йилнинг

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

СЎЗ — ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ —

давлат бюджети ижросида шаффофликни таъминловчи муҳим механизм

Шу ўринда таъкидлаш кераки, молия-бюджет соҳасини тартибга солишдан ва барқарор молиявий назоратни йўлга қўямасдан туриб давлат аҳамиятига молик масалалар, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимиз қонунчилигида давлат бюджетини қабул қилиш ва ижро этишининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан давлат бюджетининг қабул қилиниши ва ижроси юзасидан молиявий назорат олиб бориш тартиби қонунчилигимизда аниқ кўрсатилган. Хусусан, Конституциянинг 78-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Вазирлар Маҳкамаси тақдимида бинаоан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш ваколатига эга экани қайд этилган.

Давлат бюджети муносабатларини тартибга солиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексида ҳам ўз ифодасини топган. Унинг 96 ва 97-моддаларида белгиланганидек, давлат бюджетни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ҳисоб палатасининг ҳулосаси билан



Сайловолди дастурига мувофиқ тарзда аҳоли фаровонлиги, реал даромадлари узлуксиз ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, уй меҳнати ва касана-чиликни ривожлантириш, ижтимоий муҳтож қатлам ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш масалалари Ўзбекистон ХДП фаолиятида устувор аҳамият касб этмоқда.

олти ойи давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидаги партия гуруҳлари томонидан 156 масала сессияда, 25 масала сессияда доимий комиссияда, 25 масала сессияларда муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Ижроия қўмита йиғилишида партия тизими учун кадрлар танлаш, уларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, кадрлар захирасини малакали ёшлар ҳисобига тўлдириш ва муносиб кадрларни танлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Хусусан, етук мутахассисларга бўлган талабни қондириш, ўз сиёсий позициясига эга, янгиланган интилувчан ходимларни қўллаб-қувватлаш ва касбий салоҳиятини ошириш мақсадидан партия юқори органларининг ишчи аппаратларида амалиёт жараёни ташкил этилмоқда.

Ўтган олти ой давомида партияга хайрихоҳ, уни қўллаб-қувватловчи, илғор, ташаббускор фуқароларни аъзоларга қабул қилиш ишлари изчил давом эттирилди. Натижада 13 998 нафар киши партия аъзоллигига қабул қилинди. Ўзбекистон ХДП аъзоларининг умумий сони ҳозир 399 707 нафарни ташкил этмоқда.

Партия ташкилотлари томонидан электротар манфаатлари ҳимоясига қаратилган қатор лойиҳалар амалга ошириб келинаётир. Хусусан, жорий йилда «Коллеждан — корхонага», «Бугунги талаба — эртанги мутахассис», «Ижтимоий ҳимодан — ижтимоий фаоллик сари», «Қишлоқда қизларнинг спорт билан шуғул-

ланиши учун шароитлар яратиш — уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг муҳим жиҳатидир» лойиҳалари шулар жумласидандир. «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танловининг ҳозиргача бошланғич партия ташкилотлари, туман ва шаҳар, вилоят босқичлари якунига етди. Уларда 18 минг нафар ёш сиёсатчи қатнашди. Ҳозир танловнинг якуний — республика босқичига тайёргарлик қўрилоқда.

Одамлар ишончини қозониш, уларни ўйлантираётган масалалар ечимни бўйича кўмак бериш сиёсий партиянинг халқ орасидаги обрўини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бунга эришиш осонлиқча бўлмайди, албатта. Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари партия аъзолари ва электротар вакиллари муаммоларини ўрганиш, уларга ҳар томонлама кўмак беришда энг самарали механизм экани яна бир бор таъкидланди.

Бугунги кунда минтақавий ва маҳаллий партия кенгашларида 207 Жамоатчилик қабулхонаси ишлаб турибди. Йил бошидан бери ушбу қабулхоналарга 3447 мурожаат келиб тушган, ҳозиргача уларнинг 71,3 фоизи ижобий ҳал этилган.

Ижроия қўмита аъзолари Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятига оид кўрсаткичларни ҳар бир ҳудуд бўйича атрофлича таҳлил қилишди. Қабулларни аҳолига қулай вақтда ташкил этиш, бу жараёнда депутатлар иштирокнинг

лаишишда қийинчиликларга учраётган ёшлар, шу билан бирга, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича иш берувчи олдиди ишончи ҳимояга муҳтож одамларнинг манфаатлари учун курашишда парламент назоратини қучайтириш катта аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 йилги иш режасида «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси доирасида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ишларининг аҳоли ва унинг самарасини ошириш истиқболлари» тўғрисида парламент эшитишга йўл қўйган режалаштирилган. Шу кунларда Ўзбекистон ХДП фракцияси мазкур эшитишга тайёргарлик кўрмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидаги партия гуруҳлари иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижросини атрофлича ўрганишда, тегишли тақлифлар ишлаб чиқмоқда. Йиғилишда ишлаб чиқилаётган тақлифлар ҳар томонлама пишиқ ва пухта бўлиши кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари жойларда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини тарғиб этишда партия иштирокчилари қучайтириш, тадбирлар таъсирчанлигини ошириш масаласини ҳам кўриб чиқишди. Электротар манфаатларига бевосита дахлдор долзарб ижтимоий-иқтисодий масала-

ларда партия позициясининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушултириш, бу борада самардорликни кўтариш лозимлигига урғу берилди.

Таъкидландики, жорий йил 6 ойи давомида 8 мавзуда тўрт босқичда 6 мингдан зиёд машғулот ўтказилган. Мазкур тадбирларда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сиёсатшунослар, олимлар, нуфузли ташкилотлар экспертлари, партия тарғиботчилари ўз фикр-мулоҳазалари, маърузалари билан фаол иштирок этган.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мақсад-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, партия ташаббуси билан жойларда ўтказилиб келинаётган ижтимоий лойиҳаларнинг аҳамияти ҳақида ҳам гапириб ўтилди. «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази», «Кексаларимиз ёшлар эъзозли ва эътиборида» ҳамда «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъул» лойиҳалари партия дастурий вазифалари ижросига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Муҳокама қилинган чоғида партия сиёсий позицияси ва дастурий мақсадларини чуқур тушултириш учун ижтимоий-сиёсий тадбирлар аудиториясини янада кенгайтириш тақлиф этилди.

Кун тартибидидаги ҳар бир масала танқидий-таҳлилий нукта назардан атрофлича кўриб чиқилди. Партиявий ишларда сусткашликка йўл қўяётган кенгашлар фаолиятидаги камчиликлар танқид қилинди. Худудий партия ташкилотлари раҳбарлари ва масъул ходимлари олдидан турган вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улугбек Вафоев, партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари Боймурод Юсупов, Аваз Саидов, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон республика ҳамда вилоят партия кенгаши раислари кун тартибидидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокама қилинган барча масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тўққин ТЎРАХОНОВ

«ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

■ Бироқ очигини айтиш керак, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қилинадиган ишларимиз оз эмас. Масалан, оила қуриш оstonасида турган келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларга бепул дори-дармонлар тарқатиш ишлари ҳамма жойда ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Демак, партиянинг «Фаол аёллар» қаноти билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйиб, бу борада аҳоли кенг қатламлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада қучайтиришимиз керак.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди

Сайёра Абдукаримова,
Хоразм вилоят ҳокими ўринбосари,
вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Бугун 1 миллион 600 минг нафар вилоят аҳолисининг 856 минг нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Шу рақамнинг ўзиёқ ҳамкорликда ишларимиз кўлами қанчалик катта эканини кўрсатиб турибди. Маҳаллалардаги хотин-қизлар секциялари фаол ишласа, камчилик-муаммоларга ечим топиш осон кечади. Хеч бир хотин-қиз эътибордан четда қолмаслиги керак.

Назира Матёкубова
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
масъул ходими:

— Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолига биринчи тиббиёт-санитария ёрдами ва маъбул тиббий хизмат кўрсатилишини янада кенгайтириш, унинг сифатини ошириш, айнакча, олис ҳудудларда бу хизматдан қулай ҳамда тез фойдаланиш имкониятини таъминлаш каби муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, партиямиз ўз депутатлари, фаоллари орқали аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига малакали тиббий ёрдам ва хизматларни бепул кўрсатиш билан боғлиқ тегишли қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ижроси устидан тизимли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозим. Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тайёрланган соҳага оид қонунлар лойиҳалари юзасидан тақлифлар ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўринбой Абдуллаев,
Хоразм вилоят истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари
худудий бирлашмаси раиси,
Ўзбекистон ХДП фаоли:

— Тиббиёт тизимининг айрим соҳаларида биз истеъмолчи мақомида бўламиз. Баъзида дорихоналарда бир нондаги дори-дармоннинг нархи турлича эканлигига гувоҳ бўлганмиз. Ушбу масалада мувофиқликни таъминлашда жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутди. Шунингдек, тегишли қонунчиликни тақомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Айрим ҳолларда дори воситаларининг нотўғри тавсия этилиши ва қабул қилинишига ҳам гувоҳ бўлялмиз. Бу инсон саломатлиги, ҳаётига хавф соладиган нохуш ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Албатта, тиббий хизмат соҳасидаги айрим камчиликларни бартараф этиш турли омилларга боғлиқ. Шулардан энг муҳими, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш масаласи ҳисобланади. Демак, ҳамкор ташкилотлар билан бирга, тарғибот-тушултириш ишларини изчил йўлга қўйиш талаб этилади.

Раимберган Сабуров,
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят
кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги
партия гуруҳи раҳбари:

— Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, уларнинг натижалари кишини қувонтиради. Лекин баъзи жойларда йўл қўйилаётган эътиборсизлик, масъулиятсизлик оқибатида одамларни норози қилаётган муаммолар ҳам юзга чиқмоқда. Давра суҳбатда бу борадаги айрим масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилди. Биз учун энг муҳим ва зифа аҳоли, айнакча, хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш экан, ҳар бир аёлнинг соғлиғи ҳақида қайғуришимиз керак. Давра суҳбатда ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар, тақлифларни умумлаштириб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқамиз.

Давра суҳбати якунида ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан олиб бориладиган тадбирлар режаси тасдиқланди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП
АЪЗОЛАРИНИНГ
УМУМИЙ СОНИ ҲОЗИР
399 707 НАФАРНИ
ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.



■ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ОЛТИ ОЙИ ДАВОМИДА ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ПАРТИЯ
ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН 156 МАСАЛА ПАРТИЯ
ГУРУҲЛАРИДА, 55 МАСАЛА ДОИМИЙ КОМИССИЯДА, 25
МАСАЛА СЕССИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ТЕГИШЛИ
ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.



Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Бугун компания тизимида 23 минг нафардан ортиқ юртдошимиз меҳнат қилади. Бу рақам йил сайин ўсиб бормоқда.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 16-iyul. Payshanba
82 (31.985)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

ИМОРАТ МУСТАҲҚАМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Тарихдан маълумки, аждоқларимиз барпо этган бино ва иншоотларда ёғоч кўп ишлатилган. Ўз ўрнида ота-боболаримиз ёғоч материалларини ишлатиш меъёрлари ва қоидаларини яхши билишган. Бу эса тарихий обидаларимизнинг бизгача етиб келишига хизмат қилган омиллардан бири бўлган.

БИНОЛАРНИНГ ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ

профилактикаси

долзарб масалалардан
ҳисобланади

Ҳозирда ҳам мамлакатимизнинг қишлоқ ва шаҳарларида қурилган ва қурилаётган кўплаб уй-жойларда ёғоч конструкциялар қўлланилиб келинади. Айниқса, пойтахтимиздаги муқтадам саройлар, хибоблар, жомеа масжидларида кенг ёғочдан кенг фойдаланилади. Бу эса мавжуд биноларга ўзгача ҳусн, улғурлик бағишлаб, турибди.

Ёғочдан ишланган катта дарвоза, нақшикор устунлар кишига ўзгача кайфият бағишлайди. Улардаги гўзал нақшларни томоша қилар эканмиз, уста бунёдкорларнинг иқтидори, ақл-заковатига тасаннолар айтилмиш. Мана шу манзараларни катта қизиқиш ва ҳайрат билан кузатаётган хорижий меҳмон, сайёҳларни кўрганнимизда эса фахрлилик кетамиз. Шундай вақтларда гўзал ёғоч ўймакорлиги санъатининг гўзал намуналари ўзбек йиллар зиёв-заҳматсиз туришини беихтиёр кўнглимиздан ўтказамиз.

Келинг, шу ўринда мутахассис сифатида ёғоч конструкцияларнинг профилактик муҳофазаси ҳақида айрим тавсияларни айтиб ўтсам. Аввало, бино ва иншоотларда ёғоч материалларини ишлатишдан олдин унинг қайси дарахт туридан тайёрланганлигига эътибор қаратиш зарур. Учраган дарахтни ишлатиш мумкин эмас. Чунки мустаҳкамлик даражаси, пишиқлиги, юк кўтариш қобилиятига эга ҳуснуятлар ҳамма дарахтларда ҳам учрайвермайди.

Масалан, эман, ёнғоқ, чинор ҳамда барча игна баргли дарахтлардан ўта юқори сифатга эга маҳсулотлар олиш мумкин. Мустаҳкам ва пишиқ ёғоч материални танлаганда унинг заиф нуқталари бор ёки йўқлиги, қуруқ ёки намлиги ва шу каби бошқа нуқсонли томонларини назоратдан ўтказиб олиш зарур. Айни мана шу омилларни тўғри аниқлаб олиш бино қурилишида ишлатиладиган ёғоч маҳсулотларини ўз вақт ўз сифатини йўқотмаслигида катта аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, ёғочдан ишланган қурилиш материалларига ёнғин, намлик, биологик шикастланиш ва бошқа таъсирлар зарар етказиши иншоотларнинг вайрон бўлишига олиб келиши мумкин. Шундан келиб чиқиб айтиш кераки, ёғоч конструкцияларнинг профилактик муҳофазаси муҳим ҳисобланади.

Табийи савол туғилади. Биз юқори сифатга эга ёғоч маҳсулотлари ҳақида батафсил маълумотни қандай олишимиз мумкин? Бунга Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҚМҚ (қурилиш меъёрлари ва қоидалари) «Ёғоч конструкциялар» адабиётидан жавоб оласан бўлади. Мазкур рисолада ёғоч конструкцияларни лойиҳалашда меъёрий эксплуатация қилишга қаршилик қилмайдиган, профилактик ишларни (ёнғинга қарши антисептик бўёқ воситалари билан бўяш, намланишини олдини олиш ва ҳоказо) амалга оширишга имкон берадиган ва шу каби бошқа масалалар ҳисобга олиниши ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Хулоса ўринда алоҳида таъкидлашим жоизки, ўзимиз яшаб турган уйимиз ва биноларнинг ҳолатини билишимиз ҳамда уларнинг конструктив элементларига нисбатан белгиланган муддатларда профилактик ишларни амалга оширишимиз мақсадга мувофиқ. Шунда уйимиз, иморатларимиз мустаҳкам, кўнглимиз хотиржам бўлади.

Элёр ҚАЙОМОВ,
Республика суд экспертизаси
маркази суд қурилиш
техникавий экспертизаси
бўлими эксперти.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛСОЗЛИГИ: КЕЧА ВА БУГУН

■ 1992 йил июнь ойида Президентимиз Ислам Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи доирасида икки томонлама келишувга биноан 1993 йилнинг мартида «O'zDAEWOOAVTO» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ташкил этилди ва Асака шаҳрида автомобиль заводи қурилиши бошланди. 1996 йил 19 июль куни «O'zDAEWOOAVTO» қўшма корхонаси ишга туширилиб, завод конвейеридан биринчи «Damas» автомобили чиқарилди. Шу тариқа мамлакатимиз иқтисодийда бутунлай янги — автомобилсозлик тармоғига асос солинди.

Мазкур тарихий санадан бошлаб, Марказий Осиёда ягона бўлган Асака автомобиль заводида замонавий талабларга жавоб берадиган, қулай ва тежамкор автоуловлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўтмишга айланиб улгурган ўн тўққиз йил юртимиз автомобилсозлари учун том маънодаги синов ва юксалиш йиллари бўлди.

Дастлаб, 1996 йилда завод жамоаси энгил автомобилларнинг бир йўла учта тури — «Damas», «Nexia», «Tico» линияларини ишга тушириш билан илк муҳим қадамни қўйди. 2001 йилдан эса янги — «Matiz» модели ишлаб чиқарилмоқда.

2008 йил март ойида Ўзбекистон автомобиль саноати ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Завод негизда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «General Motors» корпорацияси таъсисчилигида янги «GM Uzbekistan» корхонаси ташкил этилди. Натижада ўзбек автомобиллари янада замонавий ва кўркам автомобиль моделлари ҳисобига кенгайди. «Chevrolet» бренди остида «Epica» ва «Captiva» моделлари ишлаб чиқарила бошланди. Ўша йилнинг ноябрь ойидан эса кўркам ва кенг салони билан жўшқин ташқи кўринишини уйғунлаштирган миллионинчи автоулов — «Lacetti» автомобили конвейердан чиқди. Юксак техник ютуқлар мужассамлигидаги бу автомобиль автохаваскорлар орасида тезда харидоригир бўлди.

Замон талаби асосида мунтазам тақомиллашиб бораётган корхонада 2010 йилнинг августидан «Chevrolet Spark» автомобили ишлаб чиқарила бошланди. У жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган илк қўнларданок юртдошларини



мизнинг сеvimли автомобиллига айланди.

2012 йилнинг март ва октябрь ойларида тақдироти ўтказилган «Malibu» ва «Cobalt» автомобиллари эса «GM Uzbekistan» автомобиль заводида халқаро стандартларга жавоб берадиган илгор технологиялар жорий этилгани, маҳаллий кадрлар уларни мукамал ўзлаштириб олганидан дараж беради.

Корхона фаолиятининг биринчи йилида 25 минг 300 та энгил автомобил ишлаб чиқарилган бўлса, кейинги йили бу кўрсаткич 64 мингдан ошди. 2010 йилнинг январь-май ойларида 82 857, 2011 йилнинг январь-май ойларида 85 903, 2012 йилнинг олти ойи давомида 86 827 дона автомобиль ишлаб чиқарилди. Автомобилларнинг нафақат сони кўпайди, балки сифати ҳам яхшиланиб борди. Халқаро молиявий-иқтисодий инқироз сабабли жаҳондаги «манаман» деган автомобил концерни ва компаниялари ишлаб чиқаришни кескин камайтираётган бир пайтда, бизнинг автосаноатда ўсиш йилдан-йилга ошиб бораётгани, автомобилларимиз сифати юқорилиги ва уларни тақомиллаштириш тўғрисида бораётганини кўрсатади.

2011 йил давомида дунё бўйича 80 миллион 100 минг дона автомашини ишлаб чиқарилган бўлиб, улардан 222 мингдан ортиғи «GM Uzbekistan» автомобиль заводи маҳсулотлари ҳисобланади. 2013 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган жами 250 мингга яқин автомобилнинг 158 мингга яқини мамлакатимиз ички бозоридаги харидорларга етказиб берилди, қолган 91 мингга яқин автомобил эса хорижга экспорт қилинди.

«GM Uzbekistan» автомобиль

заводининг хорижий мамлакатларда 200 дан ортиқ дилерлик маркази фаолият кўрсатмоқда. Шу сабабли мамлакатимиз автомобил тармоғи йилдан-йилга ўз маҳсулотлари экспортини ошириб, валюта тушуми ҳажмини кўпайтириб бормоқда.

Ҳозирги кунда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибидаги 40дан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси Асака автомобиль заводи учун бутловчи материаллар етказиб беради. Жиззада автомобиль аккумуляторлари етказиб бериш йўлга қўйилган бўлса, Наманганда «Ўз-Часис» МЧЖ қўшма корхонаси автомобиль чироклари ва ёритиш мосламалари, Фарғонадаги «Автоойна» қўшма корхонаси эса автомобиль ойналарини тайёрламоқда. Шу тариқа маҳаллийлаштириш дастури изчил амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг таннариhini камайтириш, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси истиқболли лойиҳаларни ривожлантириш ва юқори самарадорликка эришиш мақсадида янги моделларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2014 йилнинг март ойидан янги «Orlando» автомобили ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шунинг билан керакки, мазкур автомобил яратишда хориждорларнинг хоҳиш-истаклари ҳам ҳисобга олинган. «Orlando» модели мамлакатимиздаги энгил автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган ўзининг русумдаги автомобилдир.

Ушбу автомобиль ҳажми 1,8 литрли 141 от кучи қувватига эга двигател билан жиҳозланган. Ёнгил сарфи эса 100 км масофага бор йўғи 7,9 литрни ташкил этади.

Двигатель автомат ҳамда олти босқичли механик узатмалар қутиси билан жиҳозланган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, юртимиз тадбиркорлари томонидан тижорий автомобиль сифатида қабул қилинган «Damas» билан бир қаторда кичик ҳажмдаги юк ташишга мўлжалланган «Labo» автомобили ҳам айна пайтда «GM Uzbekistan» заводининг Хоразм филиалида ишлаб чиқарилмоқда.

2011 йили Ўзбекистонда «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорликда двигателлар ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона фаолияти йўлга қўйилгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Маҳаллийлаштириш Дастури асосида ташкил этилган «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонасида йилга 150 мингдан зиёд двигател ишлаб чиқарилмоқда. Аҳамиятисиз шундаки, «Евро-5» Халқаро экологик стандартларига тўла жавоб берувчи, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу двигателлар Асака автомобиль заводида етказиб берилиши билан бирга, қатор хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Автомобилсозлик соҳаси жамиятнинг бошқа турдош соҳаларини ҳам ривожлантириш билан бирга мамлакатимизнинг чека ҳудудларидаги аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун компания тизимида 23 минг нафардан ортиқ юртдошимиз меҳнат қилади. Бу рақам йил сайин ўсиб бормоқда.

Ўзбек автомобилсозлигида эришилаётган ютуқлар аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга, узоғини ақин, оғирини енгиллаштира ҳизмат қилмоқда.

Отамурод АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзавтосаноат» АК
ахборот хизмати ходими.

РЕКЛАМА

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси

2015 йилда капитал таъмирланиши режалаштирилган куйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Пайриқ туманидаги 4К496 б автомобил йўлининг 3-километридаги Қорақамар, Қорабайир, Эмлач, Вали ҳамда Оқчелак қишлоқларига қирувчи кўприкни капитал таъмирлаш.

Буюртмачи бошланғич нархи: 559 142 480 сўм ҚҚСиз, 670 970 976 сўм ҚҚС билан.

Қурилиш муддати: 5 ой. Қурилиш ишлари Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони, 1-уй, телефон: (0366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган таш-

килотлар ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектка ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўниқмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов ташкилфлари ни баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қиувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов

таклифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати-гача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносидан соат 10-00 да ўтказилади.




Қуёш нури
қайтарилса,
ҳарорат пасаяди

Бугунги кунда ҳароратнинг глобал кўтарилиши нафақат олимларнинг, балки дунё жамоатчилигининг ҳам «бош оғриғи»га айланган. Шу боис ҳам олимлар она сайёрамизда ҳарорат кўтарилишини тўхтатиш, ҳарорат кўтарилиши оқибатларининг олдини олиш борасида изланишлар олиб бормоқдалар.

Британиялик кимёгар-муҳандис Питер Дэвидсон етакчилигидаги олимлар гуруҳи томонидан иқлим ўзгаришларининг, аниқроғи, ҳаво ҳарорати кўтарилишининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани алоҳида таъкидлаш жоиз.

Илгари сурилаётган лойиҳага қўра, атмосферанинг стратосфера қатламига азростат ёрдамида 3 миллион тонна титан икки оксидини пуркаш ёрдамида жуда юққа қатлам яратиш орқали қуёшдан келатган нуруларнинг маълум қисмини қайтариш ва бу билан ердаги ҳароратни пасайтиришга имкон яратиш мумкин.



Маълумки, дейилади «National Geographic» нашрида чоп этилган ахборотда, титан икки оксиди безарар бўлиб, у қуёшдан муҳофаза қилувчи кремларга ҳамда озик-овқатларга ранг берувчи омил сифатида қўлланилади.

Яна бир гап. 1991 йили Филиппиндаги Пинатубо вулкани отилган пайтда атмосферара 20 миллион тонна олтингугурт икки оксиди ёйилган. Бу эса 2 йил давомида сайёрамиз ҳарорати ярим даража пасайишига имкон яратган.

Аммо шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, олтингугурт кислотаси озон қатламини емиради ва ўз навбатида кўрқоқчиликни юзага келтириши мумкин. Титан икки оксиди эса безарарлигидан ташқари ҳавода олтингугуртга қараганда кўпроқ сакланиб туради ва қуёш нуруларини олтингугуртга нисбатан 7 марта кўпроқ қайтаради.

Шувоқ ҳиди
одамга куч-қувват
беради

Ўсимлик таркибидаги эфир мойи унинг мувофиқлаштирувчи омил ҳисобланади. Яъни, ўсимликлардан чиққан эфир мойи ва сув буғлари аралашмаси ўсимлик атрофида кўзга кўринмайдиган булут ҳосил қилади. Мазкур булут эса ўсимликни кундузи ҳаддан зиёд исиб кетишдан ва нурланишдан, кечаси эса совуё кетишдан асрайди. Бундан ташқари, эфир мойи ва сув буғлари аралашмасидан таркиб толган кучли ҳид ҳашаротларни унга яқинлаштирмайди, айрим ўсимликлар эса чорвани ҳам четлаб ўтишга мажбур қилади.

Масалан, шувоқ, ялпиз, лаванда (ҳаворанг ёки бинафшаранг гулли, хушбўй, доим яшил ўсимлик) ҳиди чивин, қуя, пашшаларни, гулдошда ёки гулижваҳар эса турли зараркунданларни яқинлаштирмайди.

Айрим ўсимликларнинг ифори одамларга фойда беришини унутмаслик жоиз. Жумладан, шувоқ ҳиди мускулларга куч бағишлаб, унинг таранглашиш қувватини оширади. Атиргул ифори эса миядан ёмон фикрларни қувади ва кайфиятни кўтаради. Ясмин бўйи эса кишида меҳнат қобилиятини тиклаш билан бирга организмга осойишталик бағишлайди. Бинафшанинг ҳам кишилар саломатлиги учун фойдали жиҳати алоҳида таҳсинга лойиқ. Унинг ҳиди руҳиятни кўтариб, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Гулсаналар ҳам худди шундай «қувват» муҳассам.

Чиннигул мойи қадимдан парфюмерияда қўлланиб келинади. Эрамиздан аввалги III асрдаяк чиннигулдан дезодорант сифатида фойдаланилган. Хитойда эса император билан учрашувдан олдин ҳар бир киши оғиздаги турли хидларни кетказиши учун, албатта, чиннигул чайнаган.

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА
тойёради.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2012 йил 30 ноябрда «TOSHKENT BILIM-ORZU» HTM номига берилган № 008388 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



■ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БЕРЛИНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГЕРМАНИЯГА САФАРИ ДОИРАСИДА «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ ТАДБИР Ф.ЭБЕРТ НОМИДАГИ ЖАМФАРМА БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



■ ЯҚИНДА ХИТОЙНИНГ СИАНЬ ШАҲРИДА БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ (ЮНВТО) БУЮК ИПАК ЙўлиДА САЙЁҲЛИК МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН VII ХАЛҚАРО ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИНГ ИШИДА ЕВРОПА, ОСИЁ ВА ЯҚИН ШАРҚДАГИ 40 ДАН ЗИЁД МАМЛАКАТИНИНГ САЙЁҲЛИК СОҲАСИДА НОМ ҚОЗОНГАН ВАКИЛЛАРИ, ШУНИНГДЕК, «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Болалар оромгоҳлари сони кўпайди

ва шароитлари янада яхшиланди

■ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Жорий йилда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг бориши тўғрисида» матбуот анжумани ўтказилди. Унда Федерациянинг масъул ходимлари иштирок этди.

Маълумотларга кўра, жорий йилда республикамиз бўйича 1 минг 149 оромгоҳ фаолият кўрсатиши режалаштирилган эди, амалда эса 1 минг 167 оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилди. Улардан 208 таси стационар, 818 таси кундузги, 141 таси «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳларидир. Соғломлаштирилиши режалаштирилган болалар сони эса ўтган йилга нисбатан қарийб 10 минг нафарга ортди, 287 минг 171 нафарни ташкил этади.

Шунингдек, ихтисослаштирилган оромгоҳлар режадаги 220 ўрнига 224 та ташкил этди. «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳлари сони қарийб 10 тага кўпайди ва ҳудудларда шу турдаги 141 оромгоҳлар фаолият кўрсатмоқда. Айни кунга қадар оромгоҳларда 218 минг 497 нафар бола соғломлаштирилди.

Бундан ташқари, мавсум давомида кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар фарзандларини имтиёзли соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай тоифадаги оилалар фарзандларига бепул ва имтиёзли асосларда йўлланмалар берилмоқда. Ушбу имтиёздан бу йил жамoa шартномалари орқали меҳнаткашларнинг 50 минг нафардан ортиқ фарзанди фойдаланмоқда. Айни кунга қадар ижтимоий ҳимояга

муҳтож ишчи-ҳодимларнинг 42 минг нафардан ортиқ фарзанди турли ҳудудлардаги оромгоҳларда бепул ва имтиёзли дам олдирилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Оролбўйи минтақаси ва Хоразм вилоятларидан 4500 нафар боланинг бепул дам олдирилиши ташкил этилди. Мавсум бошидан буён бугунги кунга қадар 2 минг 480 нафар бола Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги қорхона ва ташкилотларга қарашли энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда бепул дам олдирилди. Шунингдек, 2 минг 180 нафар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари (режа 2 минг нафар), 50 нафар жисмоний имконияти чекланган болалар касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бепул дам олдирилмоқда. Қолаверса, бугунгача республика миқёсида 13 та Ижтимоий мослашув оромгоҳи (режа 8 та) фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳам 1200 бола соғломлаштирилмоқда.

Федерация ҳамда «Маҳалла» хайрия жамoa фонди ҳамкорлигида бугунгача маҳаллалардаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 1356 нафар (режа 600 нафар) фарзанди бепул дам олдириш ва соғломлаштириш билан камраб олинди. Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Сарйосиё ва Ўзун туманларидан 100 нафар боланинг Самарқанд



Ў.А. олган сурат.

вилоятидаги «Золотинка» оромгоҳида бепул дам олиши ташкил этилди.

Касаба уюшмалари тизимидаги «Чинобод», «Оқтош», «Бўстон», «Зомин» каби санаторийларда «Она ва бола» йўлланмалари асосида 1600 нафардан ортиқ (режа 2 минг нафар) болажон ота-оналари билан биргаликда соғломлаштирилиши таъминланмоқда.

Жорий йилда ихтисослаштирилган оромгоҳлар йўналишлари кўпайиши билан бирга улар фаолияти сифатини оширишга ҳам катта эътибор берилди. Хусусан, ҳар бир ҳудудда Интеллектуал ривожлантириш, Ҳарбий-спорт, Ижтимоий-мослашув, Экологик-биологик, Ўлкашунослик, Техник ижодкорлик, Бадий ижодкорлик, Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Аҳамиятли томони шундаки, ихтисослаштирилган оромгоҳларга болалар қизиқишлари ва дунёқарашларидан

келиб чиққан ҳолда жалб этилди. Масалан, касаба уюшмалари тасарруфидаги «Кўёшли» оромгоҳида Республика «Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳи ташкил этилиб, унда «Билимлар беллашуви» ҳамда фан олимпиадалари ғолиблари бўлган 500 нафар бола устозлари билан биргаликда Федерация томонидан бепул соғломлаштирилди.

Бу турдаги оромгоҳларда бир ёки бир неча фанлар, ҳорижий тилларни қўқулаштирилган тарзда ўргатилишига катта эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, турли фанлар йўналишларида табиат қўйинида маҳорат дарслари ташкил этилиб, олимлар, ёзувчи ва шoirлар, адабиёт ва санъат намояндalари, фан арбоблари билан суҳбат ва урчушлар ўтказилди.

Маълумки, оромгоҳларда асосан 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар дам олади. Эндикда амалиётга киритилган

«Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳларига эса 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ҳам жалб этилиб, дам олиш билан бирга, уларга дастлабки меҳнат кўникмалари ҳам сингдирилмоқда. Касаба уюшмалари, маҳаллий ҳокимликлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими марказлари ҳамда қорхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари ҳамкорлигида ана шундай 141 «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳлари ташкил этилиб, ушбу оромгоҳларга академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари жалб этилди. Улардан бугунгача 5 минг 240 нафар ўқувчи мазмунли ҳордик чиқариш билан бирга ижтимоий фойдали меҳнат кўникмаларини ўзлаштириш ҳамда танлаган касб-хунарлари бўйича амалиёт ўтади.

Ҳукумат даражасида тасдиқланган оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича Манзилли

дастурлар мамлакатимизда ёш авлод камолотига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунасидир. Масалан, 2012 йилдан буён қабул қилинаётган Манзилли дастурлар асосида 9 оромгоҳ янгидан қурилди, 27 оромгоҳда реконструкция ишлари олиб борилди ва 45 оромгоҳ капитал таъмирланди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида «Ниҳол», Навоий вилоятида «Ишонч», Наманган вилоятида «Камалак», «Норин», Самарқанд вилоятида «Чорчино», Хоразмда «Шодлик», Қашқадарё вилоятида Мирзо Улуғбек номи, Сурхондарё вилоятида «Хонжизза» каби янги оромгоҳлар, Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан Жиззах вилоятида «Истиклол», Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Бўстонлиқ туманида «Оқтош», Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Жиззахда Амир Темури номи оромгоҳлар барпо этилди. Мазкур бунёдкорлик ишлари натижасида оромгоҳлардаги ўринлар сони қарийб 5 мингтага кўпайди.

Жорий йилги Манзилли дастурга мувофиқ эса 49 оромгоҳда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 2 оромгоҳ янгидан қурилди, 9 оромгоҳ реконструкция қилинди ва 24 оромгоҳ капитал таъмирланди.

Матбуот анжуманида мавзу юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

■ Кўл тўпи бўйича Италиянинг Милан шаҳрида ўсмирлар ўртасида «Challenge Trophy – 2015» кубоги халқаро турнири бўлиб ўтди. Нуфузли мусобақада Зафар Азимов бош мураббийлигида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси муносиб қатнашди.

ҲАМИОРЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Халқаро гандбол федерацияси томонидан уюштирилган анъанавий «Challenge Trophy – 2015» мусобақасида ўндан зиёд давлат терма жамоалари майдонга тушди. Халқаро турнирда ҳамюртларимиз гуруҳ баҳсларида Греция, Хитой, Испания, Италия гандболчиларини мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

«Плей-офф» босқичида ўсмирларимиз Франция вакиллари билан энди. Финал йўлланмаси учун кечган баҳсда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси польшалик тенгқурларини доғда қолдирди. Хал қилувчи баҳсда Дания терма жамоасидан устун келган ёш гандболчиларимиз юртимизга мусобақанинг бош соврини қайтишга муваффақ бўлдилар.

Нилуфар ХАСАНОВА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«ТУРОНБАНК» АТБ:

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА



■ Республика тижорат банкларида олиб борилаётган молиялаш тизими аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишида, бизнес субъектлари орасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишида, деҳқон-фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш салоҳияти ортишида намоён бўлмоқда. Бу борада «Туронбанк» АТБ фаолияти ҳам эътиборга молик.

Бугунги кунда банк 17 филиали, 28 минибанки ва 80 дан ортиқ амалиёт кассалари орқали турли мулкчилик шаклидаги 21 мингдан зиёд хўжалик юртувчи субъектлар ва тадбиркорларга, шунингдек, 2 миллиондан ортиқ жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида «Туронбанк» томонидан жами 131,4 миллиард сўм миқдоридаги кредит маблағлари ажратилган, шундан 16,5 миллиард сўм қишлоқ хўжалигига, 24,6 миллиард сўм саноат соҳасига, 27,7 миллиард сўм савдо ва умумий оқватланиш тармоғига, 7,8 миллиард сўм маиший хизмат кўрсатиш йўналишига, 35,5

миллиард сўм, транспорт ва алоқа тармоғини молиялаштиришга йўналтирилган. Бизнес-режалар амалга ошиши ҳисобига 1665 иш ўрни яратилган. Қувонарлиси, уларнинг 30 фоизига коллеж битирувчилари ишга жойлашган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида «Туронбанк» юртимизда бир қатор кўп қаватли намунавий уй-жойларни қуриш ҳамда аҳоли турар-жойларини реконструкция қилиш ишларида ўзининг молиявий кўмаги билан фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчасида 24 хонадондан иборат кўп қаватли уй-жой қурилиши учун 5 280,0 миллион сўм ажратилди.

Шунингдек, банк томонидан Жиззах шаҳри, Мустақиллик кўчасида 16 хонадондан иборат 4 та кўп қаватли турар-жой қурилишига 3 465,0 миллион сўм, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчасида 32 хонадондан иборат, кўп қаватли турар-жой қурилишига эса 7 366,0 миллион сўм кредит маблағи йўналтирилди.

Бундан ташқари, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Навоий вилояти, Қармана тумани, Янгиорик ҚФЙ, «Талқоқ» маҳалласида бунёд этилган 64 хонадонли, 4 қаватли бино қурилишига 3 771,5 миллион сўм молиявий кўмак берилди.

Айни пайтда банк томонидан 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури прогност параметрларида қайд этилган барча бандлик йўналишлари бўйича микромолиявий хизматлар кўрсатилмоқда. Жумладан, янги ташкил этиладиган кичик қорхона ва микрофирмалар ҳамда яқна тартибдаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш, ишлаб турган қорхоналарни кенгайтириш, паррандачилик, балиқчилик ва асаларчилик тармоқларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 105,8 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Бунда янги ташкил этилган субъектларга бошланғич сармояни шакллантириш учун ажратилган микрокредитлар ҳажми 5,3 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк томонидан йил бошидан буён оилавий, хусусий тадбиркорлик ва хўнарандчилик субъектларига 1,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қорхоналарга технологик ускуналар, хом ашё ва керакли материаллар сотиб олиш учун 14,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди.

Банк ҳозирги пайтда ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш дастурида фаол иштирок этмоқда. Коллеж битирувчилари, хусусан, қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг дастлабки ярмида 70 нафар коллеж битирувчисининг жами 2,7 миллиард сўмлик бизнес лойиҳалари молиялаштирилди.

Аёллар меҳнат қилувчи кичик қорхоналарга, шунингдек, аёллар раҳбарлик қилаётган қорхоналарга оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида қорва моллари, паррандалар, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун ускуналар сотиб олишга 14,0 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Хуллас, «Туронбанк» АТБ жамоаси ҳар бир миҳозига сифатли ва намунали банк хизмати кўрсатиши ўзининг энг устувор вазифаси, деб билади.

Мирбаҳтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонн

Телефоны:
(0-371) 262-97-78,
Факс:(0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17
www.avtokran.uz.
email:cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.